

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА УНИНГ МУАММОЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Рахимов Матназар Юсупович

Тошкент давлат иқтисодий университетининг

Молиявий таҳлил кафедраси профессори

e-mail: raximovm@mail.ru

Аннотация: Иқтисодий таҳлилнинг Ғарб ва Шарқ давлатларидаги шакли, мазмунидаги тафовутларнинг мавжудлиги, ягона концепцияси йўқлиги унинг назарий, ташкилий, методологик ва амалий жиҳатларида кескин фарқланишларни юзага чиқармоқда. Бу албатта, мавжуд тизимларнинг йиллар давомида шаклланиб келган амалдаги бошқарувнинг фарқли жиҳатлари билан боғланади. Ушбу мақолада иқтисодий таҳлилнинг замонавий муаммолари ва уларнинг айрим жиҳатларига кенгроқ тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: таҳлил; иқтисодий таҳлил; хўжалик фаолияти таҳлили; молиявий таҳлил; бошқарув таҳлили; истиқболли таҳлил; классик иқтисодий таҳлил, замонавий иқтисодий таҳлил.

Классик иқтисодий таҳлилни тадқиқ этиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда, фаннинг замонавий ривожланиш тенденциялари жуда кўп жиҳатларни ўзгартиришни талаб этмоқда. Бошқарувнинг муҳим дастаги ҳисобланган режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудитда юз бераётган муҳим ўзгаришлар ўз навбатида иқтисодий таҳлилни ҳам тубдан такомиллаштиришни, истиқболда эса уни бизнес ва бошқарувнинг энг таъсирчан воситасига айлантиришни талаб этмоқда.

Иқтисодий таҳлилда, бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ва натижадорлигини тарихий қийматда баҳолаш амалиётининг эскирганлиги, келажакга йўналтирилган моделга заруриятнинг ортиб бориши, муқобил, бизнес-таҳлилга талабнинг кучайиши, рискларни баҳолаш ва таҳлил этишнинг замонавий тенденцияларидаги ўзига хослик, таҳлилнинг назарий, ташкилий, методологик ва амалий жиҳатларини тубдан такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Иқтисодий таҳлилни назарий муаммолари қаторида куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

-иқтисодий таҳлилнинг мавжуд манбалари икки дунё мамлакатлари учун ажралганлигини эътироф этиш лозим. Ғарб ва Ривожланган давлатларда иқтисодий таҳлилнинг муқобил йўналиши сифатида молиявий таҳлил, молиявий ҳисобот таҳлили, бизнес таҳлил йўналишлари шаклланиган. Собиқ иттифоқ давлатларида эса унинг кўпинча иқтисодий таҳлил, хўжалик фаолияти таҳлили, комплекс иқтисодий таҳлил йўналишларидаги ривожланиши фарқланади. Кейинги йилларда Ғарб билан боғланган аралаш моделнинг кириб келиши ҳам кузатилмоқда.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Масалан молиявий таҳлил, молиявий ҳисобот таҳлили, бошқарув таҳлили фанларини таълим стандартлари, таълим йўналишлари ўқув режаларига киритилишида ҳам шунини кузатиш мумкин;

-иқтисодий таҳлил бўйича мавжуд назарий манбаларда кўпинча рус ва яқин шарқ мамлакатларида амалга оширилган назарий манбалардан тайёр андоза сифатида фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Натижада иқтисодий таҳлилнинг мутлақо чегара билмайдиган объекти ва предметига эга бўлинмоқда. Унинг Фарб амалиётидаги каби аниқ чегараси ва мазмунини белгилашда муаммога дуч келинаётганлиги;

-иқтисодий таҳлилни мавжуд назарий манбаларидаги асосий муаллифлар пойтахт Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги айрим олий таълим муассасаларидаги санокли иқтисодчи олимларнинг чоп этилган тадқиқотларинигина кузатиш мумкин ва иқтисодий таҳлилнинг мунозора аудиторияси жуда торлигича қолаётганлиги;

-иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида ривожланишида фақат олий таълимдаги қилинаётган ишларни эътироф этишнинг ўзи нотўғрилиги, шунингдек илмий тадқиқот институтлари, истиқболни белгилаш, бошқарувни такомиллаштиришнинг барча бўғинлари ходимларининг унинг назарий муаммолар ечимидаги иштирокини кучайтириш лозимлиги;

-иқтисодий таҳлилнинг назарий манбаларида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларда асосан классик ёндашувларга, режанинг бажарилишига, самардорлик кўрсаткичлари ва натижага эга бўлишдаги фарқланишларга, омилли таҳлилга муҳим эътибор қаратилган ҳолда истиқболли жиҳатлар назардан четда қолаётганлиги;

-иқтисодий таҳлилнинг тамойиллари, унинг муҳим бирликлари бўйича аниқ ёндашувнинг йўқлиги ҳам назарий муаммоларда энг муҳим масала сифатида қолмоқда. Стандартлаштириш учун ягона мезонларнинг йўқлиги ва берилмаганлиги ҳам соҳанинг назарий муаммоларини кучайтирмоқда;

-таҳлилга, билишнинг муҳим воситаси сифатида қаралиши, унинг макро ва микро қўламдаги мазмунининг чалкаштириб юборилиши;

-иқтисодий таҳлилни концептуал асосларининг, таянч бирликларни изоҳлаш меёрларининг белгиланмаганлиги ҳам иқтисодий таҳлилда турлича ёндашувларни юзага келтирмоқда.

Ташкилий муаммолари қаторида қуйидагиларни эътироф этиш зарур:

-иқтисодий таҳлилнинг, мутахассисликнинг алоҳида тури сифатида таркибланмаганлиги, таҳлил хизмати субъекти белгиланмаганлиги, функциялари аниқ ажратилмаганлиги,;

-иқтисодий таҳлилни, молиявий ва иқтисодий муносибатлар тизимига нисбатан таҳлил объектини аниқ ажратадиган тузилманинг йўқлиги;

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

-иқтисодий таҳлил хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган таҳлил хизматидан фойдаланиш, иқтисодий таҳлил юритишни ихтисослаштирилган ташкилотга шартнома асосида юклаш, иқтисодий таҳлилни мустақил юритиш тартиблари мавжудлиги эътироф этилган ҳолда унинг тизимлаштирилган хизматлар бозорининг шаклланмаганлиги, энг муҳими, унинг зарурий жиҳатлари кўрилмаётганлиги;

-иқтисодий таҳлил бўйича малакали кадрлар масаласи, уларнинг тайёрлаш, қайта тайёрлаш масаласидаги муаммолар, шунингдек сертификатлаш, стандартлаштириш тизимининг пухта йўлга кўйилмаганлиги;

-иқтисодий таҳлилни ташкил этишда ахборотларнинг очилиқлиги, шаффофлиги, ҳаққонийлиги, ишончлиги ва бошқа сифат таснифларининг аналитик ечимлар ва хулосаларнинг бошқарувдаги таъсирчан бирликка айланишидаги муаммоли жиҳатлар;

-иқтисодий таҳлилни йўлга кўйишда халқаро стандартларни тан олиш ва уларга амал этишдаги муаммоли жиҳатларни киритиш мумкин.

Методологик муаммолар қаторида қуйидагиларни алоҳида таркиблаш мумкин:

-иқтисодий таҳлилнинг классик усуллари эскирганлиги, уларни математик аппаратини кучайтириш зарурлиги;

-иқтисодий таҳлилда ходиса ва жараёнларнинг самараси, натижаси ва уларнинг истиқболдаги кутилишларини таҳлил этишнинг ягона методикасининг белгиланмаганлиги;

-иқтисодий таҳлилда модели, рақамли технологияларига ўтишнинг суствлиги, инсон факторининг юқорилиги;

-иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган ва баҳоландиган кўрсаткичлар тизимининг кўплиги ва уларнинг тизимлаштирилмаганлиги;

-иқтисодий таҳлилнинг бўлиб ўтган, бўлаётган ходиса ва жараёнларга нисбатан тузилган амалдаги мазмунидан унинг истиқболдаги, стратегик ечимларига қаратилган янги тузилмасининг бизнес ва тадбиркорликда заруриятга айланмаганлиги муаммоси;

-иқтисодий таҳлилда ҳар қандай методологик ечим наф бермайди агар унинг ахборот тизимидаги муаммолар, дастурий муаммолар ҳал бўлмаса;

Ўйлаймизки бу жиҳат муаммоларни аниқ таркиблаб чиқишнинг ўзи ҳам соҳанинг ривожини белгилаб олиш ва уни такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилашда муҳим қадам бўлади. Кейинги муҳим ишимиз албатта, уларнинг ҳар битта бўғини бўйича, муаммоларни тизимли ҳал қилишнинг аниқ таклиф ва тавсияларини бериб ўтишдан иборат бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПК-4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.
2. Раҳимов М.Ҳ. Молиявий ҳисобот таҳлили Darslik. - Т.: Iqtisod-Moliya. 2021. – 356 б.
3. Раҳимов М.Ҳ., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Darslik. Т.: Iqtisod-: Moliya, 2019. -736 б.
4. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Пулатов М.Э., Усманова Д.К. Финансовый анализ предприятий. Учебное пособие по опыту РФ и РУз. - Т.: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи" ДУК, 2020. 768 бет.
5. Сагдиллаева З.А., Юлдашева У.А., Алимов Б.Б. Финансовый анализ.: Учебник - Т.: Иқтисод-Молия, 2019. - 444 с.
6. Шадрин Г.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности: Учебник и практикум. Москва: Юрайт, 2020. -431 с.
7. Казакова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Консолидированный: бизнес: Учебник. Москва: Юрайт, 2020. - 233 с.
8. Кузьмина Е.Е. Кузьмина Л.П. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. Москва: Юрайт, 2020. 225 с.
9. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo'yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting, Issue 6, December 2022*
10. Раҳимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal, 23(2), 362-375.*
11. Раҳимов, М. Ҳ. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O 'quv qo'llanma. Т.: "Iqtisod-moliya.
12. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
13. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting, Issue 1, February 2023..*
14. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
15. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
16. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
17. Раҳимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: «Экономика-Финансы.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

18. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
19. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting, Issue 2, April 2023*.
20. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
21. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140.
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>
22. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
23. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
24. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
25. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-сон.
26. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo'yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish
https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32articleview1910
27. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
28. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
29. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси расмий сайти.